

Tadqiqot uz

# ЎЗБЕКИСТОН ОЛИМЛАРИ ВА ЁШЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАРИ

## МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ

2021

- » Ҳуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидаги изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

doi Crossref

31 DEKABR
№35

CONFERENCES.UZ

# “ЎЗБЕКИСТОН ОЛИМЛАРИ ВА ЁШЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАРИ” 1-ҚИСМ

# «ИННОВАЦИОННЫЕ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ УЧЕНЫХ И МОЛОДЕЖИ УЗБЕКИСТАНА» ЧАСТЬ-1

# «INNOVATIVE SCIENTIFIC AND PRACTICAL RESEARCH OF SCIENTISTS AND YOUTH OF UZBEKISTAN» PART-1

ТОШКЕНТ-2021

**УУК 001 (062)**
**КБК 72я43**

**“Ўзбекистон олимлари ва ёшларининг инновацион илмий-амалий тадқиқотлари” [Тошкент; 2021]**

**“Ўзбекистон олимлари ва ёшларининг инновацион илмий-амалий тадқиқотлари”** мавзусидаги республика 35-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 31 декабрь 2021 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2021. - 30 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Узбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

**Масъул муҳаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

**1.Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши**
Профессор в.б.,ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

**2.Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар**
Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна(Фарғона давлат университети)

**3.Тарих саҳифаларидаги изланишлар**
Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

**4.Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни**
Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган мухандислик-қурилиш институти)

**5.Давлат бошқаруви**
Доцент Шакирова Шохида Юсуповна (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети)

**6.Журналистика**
Тошбоева Барнохон Одилжоновна(Андижон давлат университети)

**7.Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар**
Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

**8.Адабиёт**
PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

**9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни**
Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

**10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар**
Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

**11.Жисмоний тарбия ва спорт**
Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

**12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш**
Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

**13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши**
Бобохонов Олтибой Рахмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

**14.Тасвирий санъат ва дизайн**
Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

**15.Мусиқа ва ҳаёт**
Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

**16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар**
Доцент Нормирзаев Абдуқаюм Раҳимбердиевич (Наманган мухандислик-қурилиш институти)

**17.Физика-математика фанлари ютуқлари**
Доцент Сохадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган мухандислик-технология институти)

**18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар**
Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

**19.Фармацевтика**
Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

**20.Ветеринария**
Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

**21.Кимё фанлари ютуқлари**
Рахмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)

**22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар**
Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

**23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари**
Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

**24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар**
Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

**25.География**
Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

***Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.***

**© Муаллифлар жамоаси**
**© Tadqiqot.uz**

**PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи:** Шахрам Файзиев

**Контакт редакций научных журналов.** tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz**
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

## ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЙЎНАЛИШИ

**1. Шоисломова Ситора Саидовна**
ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ ДИСЦИПЛИНАРНОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТИ РАБОТНИКА ........ 7
**2. Ochilova Barchinoy Boymurodovna, Moxmudov Sarvar Allaberganovich**
YOSHLAR MA'NAVIYATINI O'STIRISHDA HUQUQIY TA'LIM TARBIYANING O'RNI ........ 10
**3. Polvonova Sohiba**
MA`NAVIYAT- JAMIYAT TARAQQIYOTINING YO`LCHI YULDUZIDIR ........ 12
**4. Rajabov Umrbek Bahodirovich**
YOSHLAR TA'LIM VA TARBIYASINING HUQUQIY ASOSLARI ........ 15
**5. Xaitboyev Sardorbek Atanazarovich**
JAMIYAT HUQUQIY TARTIBOTI ASOSI SIFATIDA – KONSTITUTSIYA VA QONUN USTUVORLIGI ........ 17
**6. Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович**
УЙ ИШЧИЛАРИНИНГ МЕҲНАТ ҲУҚУҚЛАРИ ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИНИШИ ........ 19
**7. Sharopova Manzura Hakimovna**
XOTIRA – YUKSAK INSONIY QADRIYAT ........ 22
**8. Юсупов Сардорбек Баҳодирович**
ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ УСТИДАН ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИНИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ ........ 24
**9. Дилобар Рахманова**
КОНСТИТУЦИЯВИЙ - ҲУҚУҚИЙ ҚАДРИЯТЛАР ........ 26
**10. Юсупова Ойша Матназаровна**
ЭРНИНГ (ХОТИННИНГ) УМУМИЙ КЎЧМАС МОЛ-МУЛКИНИ ТАСАРРУФ ЭТИШГА РОЗИЛИГИ: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ ........ 28

# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЙЎНАЛИШИ

## ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ ДИСЦИПЛИНАРНОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТИ РАБОТНИКА

**Шоисломова Ситора Саидовна**
студентка магистратуры
Ташкентского Государственного
Юридического Университета
Телефон:+998(97) 423 03 09
sitalaw22@gmail.com

**Аннотация.** Настоящая статья посвящена характеристике понятия «дисциплина труда», «дисциплинарный проступок», «дисциплинарная ответственность». Раскрываются их основные признаки и особенности, а также виды мер дисциплинарных взысканий, применяемых в Республике Узбекистан. Проведен анализ законодательства зарубежных стран в этой сфере. Кроме того, данная статья содержит положения о проблемных процедурах привлечения работника к дисциплинарной ответственности по трудовому законодательству Республики Узбекистан и вносятся предложения о необходимости внесения изменений и дополнений в действующее законодательство в области дисциплинарной ответственности работника.

**Ключевые слова:** дисциплина труда, дисциплинарный проступок, дисциплинарная ответственность, меры дисциплинарных взысканий, штраф, выговор, прекращение трудового договора.

В настоящее время в правовом регулировании дисциплинарной ответственности работника уделяется особое внимание. Это обуславливается тем, что, в современных условиях одним из эффективных способов повышения производительности предприятий, учреждений, организаций независимо от формы собственности является правильная организация процесса труда и регулирование ответственности работников предприятия за исполнение своих трудовых функций. Достижение этой задачи осуществляется посредством изучения существующих на практике проблем и, учитывая опыт стран зарубежья, внести некоторые изменения в трудовое законодательство Республики Узбекистан.

Следует отметить, что правильная организация дисциплины труда на предприятии является одним из главных факторов обеспечения трудового порядка.

Само понятие «дисциплина» непосредственно связано с дисциплиной труда работников. Как один из отдельных институтов трудового права дисциплина труда подразумевает наличие норм поведения, установленными локальными актами, выполнение которых требуется от лиц, осуществляющих свою деятельность на данном предприятии, организации. То есть из этого вытекает, что своевременное и добросовестное выполнение трудовых обязанностей работником является одним из способов обеспечения организации рабочего процесса на предприятии.

Необходимо акцентировать свое внимание на тот факт, что трудовое законодательство Республики Узбекистан не содержит понятие и значение дисциплинарного нарушения. Если обратить внимание на другие законодательства Республики Узбекистан, таких как уголовное, административное, гражданское, то можем увидеть тот факт, что кодифицированные акты вышеуказанных сфер четко указывает понятие правонарушения, их виды и классификацию, состав, основания и виды данных видов правонарушений. Но трудовое законодательство Республики Узбекистан не содержит такого рода понятия, что является причиной возникновения множество вопросов на практике при определении того или иного нарушения, совершенного работником, дисциплинарным проступком.

Основанием для признания действий работника дисциплинарным проступком являет-

ся неподчинение правилам внутреннего трудового распорядка, в частности, невыполнение приказов работодателя, использование нецензурных слов на рабочем месте, пренебрежительное отношение к санитарным правилам и т.д.[1]

Отсюда следует, что дисциплинарное нарушение является основанием для привлечения работника к дисциплинарной ответственности и применение к нему мер взысканий.

Следует отметить, что институт дисциплинарной ответственности является одним из видов юридической ответственности, подразумевающий:

1) привлечение работника к дисциплинарной ответственности ввиду ненадлежащего выполнения возложенных на него трудовых обязанностей;

2) применение предусмотренных законодательством дисциплинарных взысканий лицу, не исполнивший или ненадлежащее исполнившей свои трудовые обязанности.

Из вышеуказанного следует, что на работника возлагается обязанность нести ответственность при допущении того или иного дисциплинарного проступка на предприятии.

Учитывая вышеизложенные положения, можно сказать, что при привлечении работника к данному виду ответственности должны быть учтены степень тяжести деяния, размер причиненного вреда, обстоятельства, при которых данное нарушение было допущено со стороны работника.

Трудовой Кодекс Республики Узбекистан строго устанавливает, что к работнику, совершивший дисциплинарный проступок, должен быть применен только один из видов мер дисциплинарного взыскания[2]. В частности, здесь учитывается только невыполнение работником возложенных на него обязанностей в соответствующем порядке, а именно несоблюдение правил гигиены, техники безопасности, ПВТР, должностных инструкций и т. д.

Например, действия, связанные с отказом работника от выполнения работы, который незаконно был переведен на другую работу, либо отказ от выполнение сверхурочных работ не может считаться основанием для привлечения работника к дисциплинарной ответственности[3].

Ст. 181 ТК РУз перечисляет виды дисциплинарного взыскания: выговор, штраф и прекращение трудового договора.

Нужно согласиться с мнением М. Ю. Гасанова относительно того, что в сравнении от ранее действовавшего КЗоТ меры дисциплинарных взысканий приведены в соответствии с международно-правовыми актами.

К примеру, такой вид дисциплинарного взыскания как перевод на нижеоплачиваемую работу была исключена из Трудового Кодекса Республики Узбекистан ввиду имеющихся противоречий нормам Конвенции МОТ №105 от 1957 г. «Об упразднении принудительного труда»[4].

Сравнивая проект новой редакции Трудового кодекса с действующим можно сказать, что проект с одной стороны расширил некоторые аспекты регулирования дисциплины труда. Это обуславливается тем, что в действующим Трудовом кодексе недостаточное внимание уделено вопросам правового регулирования дисциплинарной ответственности работника, а в проекте рассматриваются основание и виды дисциплинарной ответственности, процедура проведения служебного расследования с целью установления факта совершения работником дисциплинарного проступка, выявления вины работника в его совершении, причин и условий, способствовавших совершению работником дисциплинарного проступка, определения характера и размера возможного материального ущерба, причиненного работодателю др.

Установление детальной регламентации процедурной деятельности регулирования позволит гибко решать вопросы, возникающие на практике, обеспечит баланс интересов работников и работодателей в области регулирования дисциплины труда на предприятии.

---

[1] Хикматов А., Хикматова Л. Оформление дисциплинарного взыскания: объявление выговора. Справочник по кадровым вопросам. 2008 г. № 12. С. 58

[2] Исмоилов Ш. Основные тенденции развития трудового права. – Т.: ТДЮУ, 2020. 5 б. https://cyberleninka.ru/article/n/osnovnye-tendentsii-razvitiya-trudovogo-prava

[3] Ёдгоров Х. Споры, вытекающие из трудовых правоотношений / - Ташкент: Baktriapress, 2017. - 192 с. С. 84.

[4] Гасанов М. Ю. Трудовой кодекс: Развитие инициативы работника и работодателя. Народное слово. 18 ноября 1995г. С. 2

**Список использованной литературы:**

1. Трудовой Кодекс Республики Узбекистан. (Ведомости ОлийМажлиса Республики Узбекистан, 1996 г., Национальная база данных законодательства, 11.05.2019 г., № 03/19/536/3114, 24.05.2019 г., № 03/19/542/317, 04.12.2019 г., № 03/19/586/4106).
2. Хикматов А., Хикматова Л. Оформление дисциплинарного взыскания: объявление выговора. Справочник по кадровым вопросам. 2008 г. № 12. С. 58
3. Исмоилов Ш. Основные тенденции развития трудового права. – Т.: ТДЮУ, 2020. 5 б. https://cyberleninka.ru/article/n/osnovnye-tendentsii-razvitiya-trudovogo-prava
4. Ёдгоров Х. Споры, вытекающие из трудовых правоотношений / - Ташкент: Baktriapress, 2017. - 192 с. С. 84.
5. Гасанов М. Ю. Трудовой кодекс: Развитие инициативы работника и работодателя. Народное слово. 18 ноября 1995г. С. 2.

# YOSHLAR MA’NAVIYATINI O’STIRISHDA HUQUQIY TA’LIM TARBIYANING O’RNI

**Ochilova Barchinoy Boymurodovna**
Buxoro viloyati Jondor tumani
39 – son maktab Huquq fani o’qituvchisi
**Moxmudov Sarvar Allaberganovich**
Xorazm viloyati Urganch tumani
43-son maktab Huquq fani o’qituvchisi
Tel: +998 88 112 18 19

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada voyaga yetmaganlar, yoshlarning huquqiy ongini o’stirish, ularni ma’naviy- axloqiy jihatdan tarbiyalash masalalari va bu yo’nalishda qilinishi kerak bo’lgan ishlar haqida mulohaza yuritilgan.

**Kalit so’zlar**: huquq, yoshlar, tarbiya, ong, oila, qonun, jamiyat, voyaga yetmaganlar, ta’lim.

O’sib kelayotgan avlod huquqiy ta’lim - tarbiyasining xususiyatlari yangi jamiyatning o’z xarakteri, turmush tarziga asoslanadi. Avvalo, huquqiy ta’lim - tarbiya yangi insonni kamol toptirishning samarali vositasi hisoblanadi. Qonunlar jamiyatimizning eng muhim axloqiy normalarini ifodalash bilan Ayni bir vaqtda ushbu normalarning nafaqat e’lon qilinishi, shu bilan birga real ta’minlanishining dalili bo’lib xizmat qiladi. Shu jihatdan olganda huquq qudratli tarbiya vositasi hisoblanadi. Huquqiy ta’lim - tarbiya yana shuning uchun ham muhimki, jamiyat qonunlari o’zining dolzarbligini saqlab qoladigan ilg’or va insoniy qoidalarni o’z ichiga olgan bo’ladi.

Tadqiqotlarning ko’rsatishicha, huquqbuzarliklarni sodir etadigan yoshlarning huquqiy ongi ularning boshqa tengdoshlari huquqiy ongidan farq qiladi. Huquqbuzarlarning qonunni yaxshi bilaman degan fikri ko’pincha noto’g’ri fikr bo’ladi: **birinchidan,** birinchi jinoyatgacha ularning huquqiy xabardorligi tengdoshlarining yaxshi xulq atvor haqidagi xabardorlikdan unchalik farq qilmaydi; **ikkinchidan,** bunday bilimlar tasodifiy va bir tizimga solinadi.

Huquqiy ta’lim - tarbiyani faqat darslar, suhbatlar, leksiyalar o’tkazish yo’li bilangina amalga oshirib bo’lmaydi. Bu ish tarbiyachilarning o’z tarbiyalanuvchilari hayotiga faol aralashuvini ham taqozo etadi. Huquqiy ta’lim-tarbiya bu barcha fuqarolarning huquqiy savodxonligini ta’minlashning asosi hisoblanadi.

Ma’lumki, sog’lom oilada munosabatlar sog’lom asosga quriladi. Ota-ona o’rtasidagi samimiy munosabat, ulardan har birining o’z huquq va majburiyatlarini sidqidildan bajarishi, ayni paytda oilaning umumiy manfaatlari uchun har qanday qiyinchilikka tayyor bo’lishi farzandlar uchun katta maktab vazifasini o’taydi. Bunda, ayniqsa, bolalarning barcha qiziqish va intilishlariga o’z vaqtida to’liq javob berilishi, ularning qarovsiz qoldirilmasligi o’ta muhim rol o’ynaydi. Chunki murg’ak qalbida, ongu shuurida paydo bo’lgan savollarga vaqtida javob topolmagan bola ularning yechimini o’zicha qidirishga, kerakli-keraksiz, o’rinli-noo’rin ishlarga qo’l urishga odatlanib o’sadi. Yoki qarovsiz qoldirilgan bolaning o’z moddiy va ma’naviy ehtiyojlarini mustaqil hal etish uchun o’z bilganicha harakat qilishdan boshqa iloji qolmaydi. Bunda, tabiiyki, yetarlicha hayotiy tajriba va ko’nikmaning yo’qligi tufayli nima to’g’riyu nima noto’g’ri ekanini bilmaydigan bola xato yo’ldaligini hadeganda anglab yetmaydi. Bu xatolar haqida unga vaqtida aytilib, kerakli nasihat va ko’rsatmalar berilmasa, bunday xatti-harakatlar uning uchun odatga aylanib qoladi. Tarki odat esa, xalqimiz ta’biriga ko’ra, amri maholdir. Shu tariqa, tarbiyaning noto’g’riligi oqibatida bir bolaning umri xazon bo’ladi - u el-yurt uchun foydasi tegadigan hayot yo’liga emas, balki jinoyat yo’liga kirib ketganini bilmay qoladi. Shuning uchun ham voyaga yetmaganlarning ta’lim-tarbiyasi, ularning ongu tafakkurini huquqiy madaniyat tamoyillari asosida shakllantirish masalasi, ayniqsa, bugungi kunda tobora dolzarb ahamiyat kasb etmoqda. Bizning mamlakatimizda voyaga yetmaganlar o’rtasida huquqbuzarliklarning oldini olish, bu yo’nalishda huquqiy targ’ibot-tashviqot, ma’naviy-mafkuraviy tarbiya ishlarini samarali olib borish bo’yicha ko’plab ishlar olib borilyapti.

Hozirgi vaqtda mamlakatimizda o’z tarkibida mahalla, xotin-qizlar, ma’naviyat va yoshlar tashkilotlari vakillari, katta hayot tajribasiga ega bo’lgan keksalar, pedagoglar, ziyolilar, huquq-tartibot, hokimiyat idoralari xodimlari, deputatlarni birlashtirgan ikki yuzdan ziyod ana shunday komissiya samarali faoliyat ko’rsatyapti. Bu komissiyalar jamoatchilik e’tiborini voyaga

yetmaganlar o'rtasida uchrab turadigan huquqiy, ma'naviy-axloqiy muammolarga qaratish va ularni hokimiyat, huquq-tartibot idoralari, nodavlat tashkilotlari bilan hamkorlikda hal etishda, ayniqsa, muhim va ta'sirchan ijtimoiy omil vazifasini bajarmoqda. Bugungi kunda mamlakatimiz aholisining 44 foizdan ziyodini voyaga yetmaganlar tashkil qiladi. Ana shunday katta kuchning kelajakda qanday insonlar bo'lib yetishi, hech shubhasiz, davlatimiz va jamiyatimizning bugungi va ertangi kelajagini belgilaydigan eng muhim, hal qiluvchi masaladir. Shu bois, mamlakatimizda yosh avlodning nafaqat jismonan, ayni vaqtda ma'naviy-axloqiy jihatdan yetuk insonlar bo'lib voyaga yetishiga katta ahamiyat berilmoqda. Shu yo'nalishdagi maqsad va vazifalarni amalga oshirishda yuqorida zikr etilgan komissiyalarning faoliyati ham katta rol o'ynamoqda. Ularning faoliyatida boshqa bir qator ishlar qatori ijtimoiy himoyaga muhtoj voyaga yetmaganlarni qo'llab-quvvatlash yo'nalishidagi tadbirlar ko'lami ham tobora kengayib bormoqda. Jumladan, mehribonlik uylari, maxsus maktab-internatlarda tarbiyalanayotgan bolalarning ahvoli, ma'naviy-psixologik rivojlanishidan xabardor bo'lib turish, ularning yashash va o'qish sharoitlarini yaxshilash, bo'sh vaqtini mazmunli o'tkazishga ko'maklashish borasida ibratli ishlar qilinmoqda.

Keyingi yillar davomida 28 ta mehribonlik uyi, 85 ta ixtisoslashtirilgan maxsus maktab-internatning davlat va homiylik mablag'lari hisobidan ta'mirlanib, zamonaviy o'quv qurollari, tibbiy asbob-uskuna, sport va madaniyat anjomlari bilan ta'minlangani bu borada juda katta qadam bo'ldi.

**Foydalanilgan adabiyotlar**

1. O.Karimova Huquqni o'qitish metodikasi.
2. Z.M.Islomov Huquq tushunchasi, mohiyati, ijtimoiy vazifasi.
3. Internet saytlari.

# MA`NAVIYAT- JAMIYAT TARAQQIYOTINING YO`LCHI YULDUZIDIR

**Polvonova Sohiba**
Chirchiq shahar kasb-hunar
maktabi huquq fani o’qituvchisi
Tel.raqami: +998 97 918 68 96

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada jamiyatdagi ma’naviyatning o’ziga xos xususiyatlari, uni shakllantirish omillari haqida qisqacha to’xtalib o’tilgan. Maqolada ma’naviyat va mafkuraning jamiyatdagi o’rni misollar orqali yoritilgan.
**Kalit so’zlar:** ma’naviyat, mafkura, jamiyat, inson, taraqqiyot.

# SPIRITUAL-SOCIAL DEVELOPMENT THE PASSENGER IS A STAR

**Polvonova Sohiba**
Chirchik city vocational
school law teacher
Tel: +998 97 918 68 96

**ANNOTATION:** This article gives a brief overview of the specifics of spirituality in society, the factors that shape it. The article illustrates the role of spirituality and ideology in society.
**Keywords:** spirituality, ideology, society, man, development.

Biz yangi O`zbekistonni barpo etishga qaror qilgan ekanmiz, ikkita mustaxkam ustunga tayanamiz.

Birinchisi bozor  asoslangan kuchli iqtisodiyot.

Ikkinchisi - ajdodlarimizning boy merosi va milliy qadiryatlariga asoslangan kuchli manaviyati.

Biz yaratayotgan Yangi O’zbekistonning asosiy g’oyasi ezgulik, odamiylik gumanizm g’oyalari bo`ladi. Mafkura deganda avvalo fikr , milliy va umuminsoniy qadiryatlar tarbiyasini tushunamiz. Ular xalqimizning necha ming yillik hayotiy tushuncha va qadiryatlariga asoslangan . Agar kimlar ma’ naviyat masalasi bu faqat  tegishli vazirliklar va idoralarning ishi deb o`ylasa xató qiladi. Respublika ma’naviyat va ma`rifat markazining ‘Ma’naviyat targ`ibotchisi «o`quv muasasasi negizida  ijtimoiy-ma’naviy tadqiqotlar instituti tashkil etiladi. Bundan buyon Respublika ma’naviyat va ma`rifat markazi barcha hududiy kengashlarini, vazirlik, idora tashkilotlarining ma’naviy-ma`rifiy faoliyatlarini muvofiqlashtirib beradi. Barcha oliy o`quv yurtlari va ularning filiallarida mavjud shtat birliklari doirasida yoshlar masalalari va ma’naviy-ma`rifiy ishlar bo`yicha prorektor lavozimlari joriy etiladi.

«Bir ziyoli bir mahallaga ma’naviy homiy» tamoyili asosida har bir mahallaga prorektor – o`qituvchi va taniqli ziyolilar biriktiriladi. Manaviyat va iqtidorni qo`llab quvvatlash jamg`armasiga 120 milliard so`m ajratilib, ma’naviy- ma`rifiy va targ`ibot – tashviqot ishlarini samarali amalga oshirish, milliy adabiyotimizni rivojlantirish uchun sarflanadi

Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev o`qituvchi va murabbiylar kuniga bag`ishlangan tantanali marosimidagi nutqida qayd etganidek, taraqqiyotning tamal toshi ham mamlakatni qudratli, millatni buyuk qiladigan kuch ham bu- ilm fan, ta`lim va tarbiyadir. Ertangi kunimiz, Vatanimizni yorug` istiqboli, birinchi navbatda ta`lim tizimi va farzandlarimizga berayotgan tarbiyamiz bilan chambarchas bog`liq.

O`zbekistonning yangi taraqqiyot davrida dunyo miqiyosidagi bugungi keskin raqobatga bardosh bera oladigan milliy ta`lim tizimini yo`lga qo`yish mamlakat ravnaqi uchun yangi tashabbus va g`oyalar bilan maydonga chiqib ularni amalga oshirishga qodir intelektual hamda ma’naviy salohiyatli yuksak yangi avlod kadrarini tayyorlash muhim vazifalardan biriga aylandi,- deydi Ismoil Soyibnazarov.

-Binobarin, bunday kadrlar har bir davlatning eng asosiy boyligi- inson kapitalini tashkil etadi. Inson kapitali- iqtisodiy taraqqiyotning intensiv ishlab chiqarish omili, jamiyat va oilani rivojlantirish, mehnat resurslarini bilimli qismi, intellektual va boshqaruv mehnati darajasining mezoni hisoblanadi. AQSHlik olimlar ilmiy- tadqiqotlarida xodimlarning ta`lim darajasini  10

foizga oshirish mamlakatda mehnat unumdorligi qariyib 9 foizga o`sishini taminlashni aniqlab qo`yibdi. Xolbuki ishlab chiqarish uskunalarining shuncha miqdorida yangilanishi mehnat unumdorligini 3-4 foizga oshiradi xolos. Bundan kelib chiqadiki, ta`limga sarflangan sarmoya zamonaviy texnika va texnologiyalardan ham ortiq ekanligi ma`lum bo`lmoqda.

Prezidentimiz Oliy Majlisga murojaatnomasida ta`lim sohasini jadal taraqqiy ettirishning xalqimiz farovonligini yuksaltirishdagi ahamiyatiga yuksak baho berdi. Darhaqiqat, mamlakatmizda bir-biri bilan chambarchas bog`langan, maktabgacha ta`lim, maktab va oliy ta`lim tizimlari, ilmiy-tadqiqot muassalarini rivojlantirish bo`yicha beqiyos o`zgarishlar amalga oshirilmoqda

Aynan shu nuqtai nazardan yurtimizda, xususan bolani bog’cha yoshidayoq kelajakka tayyorlash masalasiga nafaqat g`oyat ma`suliyatli vazifa, balki mamlakat taraqqiyoti, yurt farovonligini ta`minlovchi strategik yo`nalish sifatida qaralmoqda. Buning uchun alohida vazirlik tuzilgani ham fikrimizni tasdiqlaydi. Natijada kichik yoshdagi bolalarni maktbgacha ta`lim bilan qamrab olish darajasi 4 yil davomida 2 barobar ortib 60 foizga yetdi. Joriy yildan mazkur ko`rsatkichni 65 foizga yetkazish maqsad qilingan. Boqchalar soni esa 3 barobar ko`payib, 14 mingdan oshadi. O`z navbatida maktabga tayyorlov tizimi bilan 560 ming nafar 6 yoshli bolalarni yoki ularning 82 foizni qamrab olish nazarda tutilayabdi yoki xalq ta`limini olib ko`raylik. Chet tillari, aniq va gumanitar fanlar chuqur o`rgatiladigan zamonaviy tendensiyalarga to`liq javob beradigan prezident va ijod maktablari ochilayotgani xalqimiz xursandchilig bilan qarshi olinmoqda.

So`nggi ikki yil ichida 556 milliard so`m mablag` hisobiga 77 ta yangi maktab qurildi, 1930ta maktabda qayta qurish va ta’mirlash ishlari bajarildi. Yangicha mazmun va aqilga ega bo`lgan Prezident maktablari 56ta , kimyo biologiya yo`nalishidagi 27ta maktab tashkil etildi. Yoshlarning IT-texnologiyalarga bo`lgan qiziqishini hisobga olib, axborot komunikatsiya texnologiyalarga ixtisoslashtirilgan Muhammad Xorazmiy nomidagi maktab tashkil etildi. Shuningdek 2020 yilda 14ta, kelgusi yilda 82 ta, 2022 yilda 64 ta- 2023 yilda ixtisoslashtirilgan maktablar tashkil etilib ular barcha tuman va shaharlarni qamrab oladi.

Xalqaro tajriba tahlilari ta`limning yuqori sifatini ta`minlashda davlat va nodavlat ta`lim muassasalari o`rtasida sog`lom raqobat muhitini yaratishning muhumligini taqazo etmoqda.

Jumladan Buyuk Britaniyada 2600ta xususiy mustaqil maktab bor. Niderlandiyada umum ta`lim maktablarining uchdan ikki qismini xususiy maktablar tashkil etadi. Hindistonda 6 yoshdan 14 yoshgacha bo`lgan o`quvchilarning chorak qismidan ko`prog`i xususiy maktablarda ta`lim oladi. Yaponiyada esa xususiy maktablar o`qituvchilari maoshlarining 50 foizi davlat tomonidan to`lanadi. Ta`lim sohasida rivojlangan davlatlar tajribasidan kelib chiqqan holda raqobat muhitining yaratilishi O`zbekistonning shubhasiz ilg`or davlatlar safidan munosib o`rin olishga, mamlakatimiz uchinchi Renesans poydevoriga asos solinishiga xizmat qiladi. Dunyo tajribasi shuni ko`rsatadiki yosh avlodni har tomonlama barkamol etib voyaga yetkazish uchun sarflangan sarmoya jamiyatga 10,100 barobar ko`p foyda keltiradi. Bir o`ylab ko`raylik, dunyoda rivojlangan davlatlardan biri Singapurdir. Ushbu mamlakatga uzoq yillar boshchilik qilgan mashxur davlat arbobi Li Kuan Yudan qisqa vaqt ichida Singapur qanday qilib dunyoning rivojlangan mamlakatiga aylanganligi haqida so`rashganda ‘ Bu yerda hech qanday sir yo`q , mo`jiza yaratganim yo`q. Shunchaki Vatanim oldidagi burchimni bajardim xolos. Ishni shunday tashkil qildimki, davlat byudjetining katta qismini ta`lim sohasiga yo`naltirdim. Muallimlar mavqeyini jamiyatning quyi tabaqasidan yuqori martabaga ko`tardim. Bizda mo`jiza yaratgan kishilar, shubhasiz muallimlardir. Ular ilm, axloq,mehnatni sevadigan, haqiqatdan qadirlaydigan yangi Vatanparvar, ayni chog`da kamtarin avlodni tarbiyalab yetishtirdilar’ deb javob bergan edi. Biznes bilan shug`ullanish sharoiti bo`yicha jahon Doing Business reytingida Singapur 1-o`rinda turadi.Li Kuan YU mamlakat bosh vaziri bo`lib ishlagan 1965-1990 yillarda yalpi ichki mahsulotning yillik o`sishi o`rtacha 9,2 foizni tashkil etgan. YaIM aholi jon boshiga 400 AQSH dollaridan 12,2 ming dollargacha ko`tarilgan. 2014-yilda bu ko`rsatgich 81ming 364 dollarga teng bo`ldi.

Shuni takidlash lozimki Singapurda o`qtuvchilar davlat xizmatchilari hisoblanadi.Ta`lim vazirligi byudjeti mudofaa vazirligidan keyin ikkinchi o`rinda turadi.

Har yili ta’lim sohasida tahminan 12,9 milliard dollar sarflanadi. Bu davlat umumiy byujetunung (68`6 milliard dollar) 18`7 foizini tashkil qiladi. Mamlakat aholisining savotxonlik darajasi 96 foizni tashkil etadi. Li Kuan Yu savodsizlikga qarshi kurashda aniqrog`i mamlakatda yangi ilimli avlodni tarbiyalashda Yaponiyaning urushdan keyingi tajribasini shubhasis inobatga olgan. Uning yahshi bir o`giti bor: Umir bo`yi o`qing hamisha o`quvchi maqomida qoling, eng yaxshi g`oyalarni o`zlashtiring muvoffaqiyatga erishing yagona formulasi o`qish o`rganish!

l O`tgan yili davlatimiz rahbarining tegishli qarori bilan Toshkent shahrida Sankt-Peterburg davlat universitetining filiali faoliyat boshlash natijasida yurtimizdagi oliy o`quv yurtlari soni 130 taga yetkazildi. Ulardan 96 tasi davlat, 9 tasi nodavlat oliy talim muasasalari bo`lsa xorij universitetlari va ularning filillari soni 25 tani tashkil etmoqda.

Yoki 2020-yil ularga qabul parametrlar 2016-yildagiga nisbatan 2,5 barobar o`sib yoshlarimizni oliy ta`lim bilan qamrab olish darajasi 9 foizdan 25 foizga ko`paydi.

2001-yildan boshlab ushbu yo`nalishga ajratiladigan davlat grantlari soni kamida 20 foiz oshirilishiga urg`u berildi.

Hulosa qilib aytganda yurtboshimiz tomonida ta`lim tizimiga g`amxo`rlik-kelajakga qo`yilgan qadam. Mazkur tabiy o`zgarishlar, ayniqsa hususiy ta`limning yo`lga qo`yilishi farzandlarimizning taffakuri, ruhiy olamini yanada boyitishga ichki quvatini oshirishga va jamiyatda ro`y berayotgan voqiya hodisalarni faol ishtirokchisi bo`lishiga da`vat qiladi.

**Adabiyotlar**

1. Mirziyoyev Sh.M «Erkin va farovon demokratik davlatni birgalikda barpo etamiz» T. O`zbekiston 2016

2. Mirziyoye Sh.M «Buyuk kelajagimizni mard va olijanob xalqimiz bilan birga quramiz».

3. O`zbekiston Respublikasi prezidentining 2017-yil 7-fevraldagi PF – 497- sonli “O`zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo`yicha harakatlar strategiyasi to`g`risidagi farmoni»www. Zexuz

4. Mirziyoyev Sh.M O`zbekiston respublikasi prezidenti Shavkat Mirziyoyevning oliy majlisga murojatnomasi. 2020-yil 25-dekabr.

Xalq so`zi 2020-yil 30-dekabr.

5. Mirziyoyev SH.M «Jamiyat hayotning tanasi, iqtisodiyot bo`lsa uning joni va ruhi ma`naviyatdir».Xalq so`zi 2021-yil 20-yanvar.

6. G`ofurjon Muhamedov, Chirchiq davlat pedagogika instituti rektori O`zbekiston respublikasi fan arbobi “Kelajagimiz bunyodkorlari qanday tayyorlanmoqda” Xalq so`zi 2021-yil fevral.

7. I.Soipnazarov «Ta’limda sog`lom raqobat davri keldi».Xalq so`zi 2021-yil fevral

8. Mansur Eshov “Uchinchi Renesans bo`sag`asi qayerdan boshlanadi” Xalq so`zi 2021-yil Fevral

# YOSHLAR TA'LIM VA TARBIYASINING HUQUQIY ASOSLARI

**Rajabov Umrbek Bahodirovich**
Xorazm viloyati Urganch tumani
23-maktab huquq fani o`qituvchishi
Tel +998936119208

**Annotatsiya.** Mazkur maqolada, Yoshlar ta'lim va tarbiyasining huquqiy asoslari, o`quvchilarda huquqiy ong va huquqiy madaniyatini shaklantirishdan iborat. Kalit so`zlar: huquq, huquqiy ong, huquqiy madaniyat, konstitutsiya, ta'lim, sub'ektiv huquq, o`quvchilarda bilim malaka ko`nikmani shaklantirish.

Davlatimiz mustaqillikka erishgan yillarda uning oldida turgan muhim va murakkab vazifalardan biri yangi jamiyatga mos yangi avlodni tarbiyalash va shakllantirish edi. O'zbekiston Respublikasi Birinchi Prezidenti I.A.Karimov ta'kidlaganidek, «aql-zakovatli, yuksak ma'naviyatli yoshlarni tarbiyalay olsakkina, oldimizga qo'ygan maqsadlarga erisha olamiz, yurtimizda farovonlik va taraqqiyot qaror topadi». Ayni paytda mamlakatimizda ta'lim sohasida olib borilayotgan islohotlar zamirida ham xuddi shu maqsadlar mujassamdir.

SHunga qaratilgan maqsadlarni amalga oshirishda davlatimizda yoshlarni tarbiyalash va ular faoliyatini amalga oshirishning huquqiy asoslari yaratilgan. Bularni biz O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi, "O'zbekiston Respublikasida yoshlarga oid davlat siyosatining asoslari to'g'risida"gi 1991 yil 20 noyabrda qabul qilingan Qonun, "Bola huquqlarining kafolatlari to'g'risida"gi Qonun, "Ta'lim to'g'risida"gi Qonun, "Kadrlar tayyorlash milliy Dasturi", Mehnat kodeksi, Fuqarolik kodeksi va boshqa asosiy qonunlarimizda ko'rishimiz mumkin. Ushbu qonunchilik hujjatlarida yoshlar to'g'risida g'amxo'rlik qilish, yoshlarni huquqiy va ijtimoiy jihatdan himoya qilish, yoshlarning tashabbuslarini qo'llab-quvvatlash, o'z manfaatlarini amalga oshirish yo'llarini erkin tanlab olishga kafolat berish kabi munosabatlar o'zining huquqiy asoslarini topgan.

Konstitutsiyamizning 41- moddasida "Xar kim bilim olish huquqiga ega. Bepul umumiy ta'lim davlat tamonidan kafolatlanadi. Maktab ishlari davlat nazoratidadir" deya keltirib o'tilgan. Ta'lim to'g'risida Inson huquqlari umumjahon deklaratsiyasining 26- moddasida "Xar bir inson ta'lim olish huquqiga ega. Ta'lim olishda, hech bo'lmaganda, boshlang'ich va umumiy ta'lim tekin bo'lishi lozim. Boshlang'ich ta'lim majburiy bo'lishi lozim.Texnika va kasb-hunar ta'limni hammaga ochiq bo'lishi, oliy ta'lim esa har kimning qobilyatiga asosan hamma uchun teng imkoniyat doirasida bo'lmog'i kerak. ta'lim inson shaxsini to'la barkamol qilishga va inson huquqlari hamda siyosiy erkinliklariga nisbatan hurmatni kuchaytirishga qaratilmog'i lozim." deya takidlangan.

Adabiyotlarda huquqshunos olimlar tomonidan bilim olish huquqiga ko'plab tushunchalar berilgan. Masalan, rossiyalik olim D.V.Xromovning fikricha "Ta'limga bo'lgan sub'ektiv huquq, inson hayotini ta'minlash uchun ta'lim sohasidagi ehtiyojlarini qoplash maqsadida, insonning shaxsiy, davlat va jamiyat manfaatlari yo'lida, ta'lim-tarbiya jarayonida ishtirok etishining davlat tomonidan kafolatlangan imkoniyatidir". Bizning fikrimizcha bu ta'rifda bilim olishning maqsadi faqat ta'lim sohasidagi ehtiyojlarni qoplanishi nazarda tutilgani uchun bir muncha tor hisoblanadi.

SHuning uchun, qonunda bilim olish huquqiga tushuncha berib ketish lozim.

Bilim olish huquqi - bu davlat tomonidan qat'iy o'rnatilgan standartlar asosida o'qish, tarbiya olish va ma'naviy etuklikka erishish huquqidir.

Bu huquqning ahamiyati, ayniqsa hozirgi globallashuv jarayonida, fan texnika, aloqa vositalari, elektron texnikasi va texnologiyalarning juda tez rivojlanishi sharoitida alohida o'rin tutadi. SHuning uchun, O'zbekistonda istiqomat qilayotgan har bir insonga bilim olish huquqi ta'minlanadi.

Yoshlar o'z salohiyatlaridan erkin foydalanishga, o'z iqtidor va iste'dodlarini to'la namoyon etishga haqlidirlar. Ularga ilmiy va texnikaviy ijod erkinligi, madaniyat yutuqlaridan foydalanish huquqi kafolatlanadi. Davlat jamiyatning madaniy, ilmiy va texnikaviy rivojlanishiga g'amxo'rlik qiladi (O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 42-moddasi ). Qonun bilan belgilangan yoshga etgach, ularning siyosiy huquqlari doirasi yanada kengayadi. Konstitutsiyaning 34-moddasiga binoan ular kasaba uyushmalariga, siyosiy partiyalar va jamoat birlashmalariga uyushish hamda ommaviy harakatlarda ishtirok etish huquqlariga ega bo'ladilar.

Yuqorida ta’kidlab oʻtganimizdek, yoshlarning ijtimoiy hayotning turli sohalardagi huquqlari Konstitutsiya asosida qabul qilingan koʻp sonli maxsus qonunlar bilan ham ta’minlanadi. Ta’lim toʻgʻrisida, tadbirkorlik, mehnatga oid qonunlar, jamoat birlashmalari, vijdon erkinligi, jismoniy tarbiya va sport toʻgʻrisidagi qonunlar shular jumlasidandir. Bu qonunlar yoshlarimizga nafaqat boshqalar bilan teng huquqli boʻlishni, balki koʻpgina imtiyozlar va qoʻshimcha kafolatlarni ham belgilab bergan.

Yuqoridagi fikrlardan kelib chiqib quyidagi taklif va mulohazalarni bildirish mumkin.

hududlar, shahar va qishloq joylarida ta’lim-tarbiya ishlarini bir xilda sifat darajasiga olib chiqish;

kasb-hunar kollejlari, oliy oʻquv yurtlari va umumta’lim maktab oʻquvchilari oʻrtasida «Oʻz huquqingni bilasanmi?» mavzusida hududiy tanlovlar oʻtkazish;

Yoshlar huquqlari bilan bogʻliq ilmiy tadqiqot ishlarni koʻpaytirish.

Xulosa qilib aytganda, yoshlarimiz uchun qanchalik imkoniyat va ular faoliyatining huquqiy asoslarini kengaytirsak, kelajagimiz uchun poydevor yaratgan boʻlamiz.

**Foydalanilgan adabiyotlar**

1. Xalq so’zi gazetasi 2007 yil 1-yanvar

2. Ta’lim to’g’risidagi qonunning 4-moddasi O’zbekistonning yangi qonunlar to’plami 17- son T.Adolat 1998-yil

3. Хромов Д.В. Конституционное право граждан на профессиональное образование и особенности его реализации военнослужащими. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – М.,2007. – С.14.

# JAMIYAT HUQUQIY TARTIBOTI ASOSI SIFATIDA – KONSTITUTSIYA VA QONUN USTUVORLIGI

**Xaitboyev Sardorbek Atanazarovich**
Xorazm viloyati Urganch shahar
8-sonli AFCHO'IMI ning
Huquq fani o'qtuvchisi
Tel.+998937576787

**Annotatsiya.** Jamiyatda huquqiy tartibot asosi sifatida konstitutsiya va qonun ustuvorligi, o`quvchilarda huquqiy ong va huquqiy madaniyatini shaklantirishdan iborat.
**Kalit so`zlar:** huquq, huquqiy ong, huquqiy madaniyat, konstitutsiya, ta'lim, sub'ektiv huquq, o`quvchilarda bilim malaka ko`nikmani shaklantirish.

Rivojlangan davlatlar tajribasi shuni ko'rsatadiki, chinakam qonun ustuvor bo'lgan joydagina inson va fuqarolarning huquq va erkinliklari ta'minlanadi, ijtimoiy barqarorlik va ijtimoiy adolat qaror topadi. SHu boisdan ham Konstitutsiya va qonunlar ustuvorligi huquqiy davlat qurishning negizini tashkil etadi, desak mubolag'a qilgan bo'lmaymiz.

Xalqaro huquqning teng va to'la huquqli a'zosi bo'lgan O'zbekiston bugungi kunda huquqiy davlat qurish va fuqarolik jamiyatini shakllantirish borasida katta ishlarni amalga oshirmoqda. Ayni paytda, huquqiy davlat qurish va fuqarolik jamiyatini shakllantirish murakkab jarayon bo'lib, u har bir fuqarodan faollik va mas'ullikni talab etadi.

O'zbekistonda mustaqillik yillarida Konstitutsiya va qonun ustuvorligini ta'minlash borasida ulkan ishlar amalga oshirildi. Ayni paytda, jamiyatimizda qonun ustuvorligini ta'minlash bo'yicha amalga oshiriladigan ishlarning ko'lami ham anchagina ekanligini ta'kidlash zarur. Binobarin, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Islom Karimovning 2010 yil 12 noyabrdagi O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Qonunchilik palatasi va Senatining qo'shma majlisida bayon etilgan "Mamlakatimizda demokratik islohotlarni yanada chuqurlashtirish va fuqarolik jamiyatini rivojlantirish konsepsiyasi"da ham bu masalaga katta e'tibor qaratilgan. Davlat rahbari ta'kidlaganidek, "Mamlakatimizni demokratik yangilashning bugungi bosqichdagi eng muhim yo'nalishlaridan biri bu – qonun ustuvorligi va qonuniylikni mustahkamlash, shaxs huquqi va manfaatlarini ishonchli himoya qilishga qaratilgan sud-huquq tizimini izchil demokratlashtirish va liberallashtirishdan iboratdir.

Ta'kidlash joizki, qonun ustuvorligi keng mazmunli tushunchadir. Qonun ustuvorligi bu – barcha huquq sub'ektlari, ya'ni barcha davlat organlari, mansabdor shaxslar, jamoat birlashmalari, xo'jalik yurituvchi sub'ektlar, fuqarolar tomonidan qonunlarga aniq va og'ishmay rioya etilishidir.

Qonun ustuvorligi bu - har bir davlatda chiqariladigan turli normativ-huquqiy hujjatlar tizimida Konstitutsiya va qonunning ustuvorligi, ya'ni, barcha normativ-huquqiy hujjatlar Konstitutsiya va qonunga mos kelishi kerakligidir. Barcha normativ - huquqiy hujjatlar Konstitutsiya va qonun asosida, uning doirasida va ularni bajarish yuzasidan qabul qilinishi kerak. Basharti, qonun osti hujjatlari Konstitutsiya va qonunga mosmasligi - ularning bekor qilinishiga olib keladi.

Ayni paytda, huquq hukmronligi bu davlat va uning mansabdor shaxslarining, davlat organlarining, fuqarolar va ularning turli tuzilmalarining faoliyati huquq bilan bog'liqligi, huquqga mos holda amalga oshirilishidir. Buning ma'nosi shuki, huquq normalari oddiy fuqaro uchun ham, mansabdor shaxs uchun ham birday majburiydir. Binobarin, "CHinakam demokratik jamiyatda Prezident ham, oddiy fuqaro ham qonunga rioya etadi". Zotan, huquq hukmronligi o'zida haqiqat, tafakkur, idrok, vijdon, halollik, erkinlik, birodarlik va adolat kabi umuminsoniy-axloqiy qadriyatlarni ifodalab, ularning hayotga singishiga xizmat qilishi orqali, jamiyatda huquqiy tartibot ijtimoiy adolat o'rnatadi. Darhaqiqat, davlat rahbari ta'kidlaganidek, "Har qanday qonun, harakat sohasidan qat'i nazar, ishlab chiqilayotgan va muhokama etilayotgan paytda insonning asosiy, buzilmas huquqlariga qanchalik mos kelishiga alohida e'tibor qaratish zarur. Ana shu tamoyillardan og'ishmay rioya etgan holdagina biz chin ma'nodagi huquqiy, adolatparvar davlat qurishga erisha olamiz.

Qonun ustuvorligi – qonuniylik huquqiy tartibotning asosi hisoblanadi. Huquqiy tartibot bu jamiyatdagi mavjud, erishilgan qonuniylik darajasiga bog'liq holda shakllanadigan tartibotdir.

SHu munosabat bilan, jamiyatning huquqiy madaniyatini yuksaltirishda huquqiy ta'limning o'rni

va roli hal qiluvchi ahamiyatga ega ekanligini ta'kidlash zarur. SHunga bog'liq holda, fikrimizcha, huquqiy ta'limni bugungi kun voqeliklari, ya'ni, axborot asri, yuksak texnologiyalar davri xususiyatlaridan kelib chiqqan holda, takomillashtirish zarur. Zotan, davlat rahbari ta'kidlaganidek, "bugungi siyosiy-huquqiy voqelikni hisobga olgan holda, mamlakatimizda huquqiy ta'lim va ma'rifatni, jamiyatda huquqiy bilimlar targ'ibotini tubdan yaxshilashga yo'naltirilgan maqsadli keng ko'lamli chora-tadbirlar dasturini ishlab chiqish zarur. Ushbu dasturning amalga oshirilishi aholining inson huquq va erkinliklariga nisbatan hurmat bilan munosabatda bo'lishini, fuqarolarda qonunga itoatkorlik tuyg'usining yanada ortishini ta'minlaydi".

Xulosa sifatida shuni ta'kidlash zarurki, Konstitutsiya va qonun ustuvorligi – jamiyat huquqiy tartibotining asosi, uning huquqiy kafolati, barqarorlik zamini hisoblanadi.

**Foydalanilgan adabiyotlar**

1. .Karimov I Demokratik islohotlarni yanada chuqurlashtirish va fuqarolik jamiyatini shakllantirish-mamlakatimiz taraqqiyotining asosiy mezonidir.-T..-O'zbekiston 2011 yil

2.Karimov I A Yangi uy qurmay turib eskisini buzmang O'zbekiston 1993 yil

3.Karimov I A O'zbekistonning siyosiy-ijtimoiy va iqtisodiy istiqbolining asosiy tamoyillari// Vatan sajdagoh kabi muqaddasdir O'zbekiston 1996 yil

4.Xalq so'zi gazetasi 2007 yil 1-yanvar

5.Ta'lim to'g'risidagi qonunning 4-moddasi O'zbekistonning yangi qonunlar to'plami 17- son T.Adolat 1998-yil

# УЙ ИШЧИЛАРИНИНГ МЕҲНАТ ҲУҚУҚЛАРИ ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИНИШИ

**Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович**
юридик фанлар доктори, Тошкент
давлат юридик университети
"Меҳнат ҳуқуқи" афедраси ўқитувчиси
+998933809996
info@advocateabf.com

**Анотация**: Ушбу мақолада ҳозирги кунда давлатимиз қонунчилигида бўшлиқ бўлган уй ишчилари меҳнатини ҳалқаро-ҳуқуқий тартибга солиниши масалалари ўрганилди. Уй ишчилари меҳнатини тартибга солишга қаратилган Халқаро Меҳнат Ташкилотининг 2011 йилда "Уй ишчиларининг муносиб меҳнати тўғрисида"ги 189–сонли Конвенцияси ва шу номда 201-сонли Тавсияси қабул қилинган. Мақолада ушбу ҳужжатларда уй ишчиларига белгиланган ҳуқуқлар ва кафолатлар таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** уй ишчиси, иш берувчи, иш вақти, дам олиш вақти, ойлик иш ҳақи, ижтимоий кафолотлар, пенсия таъминоти.

Баъзида, кундалик яшаш шароитимизда шахсий эҳтиёжларимизни қондириш мақсадида айрим қўшимча уй ишларини бажариш учун ёлланма меҳнатдан фойдаланамиз. Бундай уй ишлари турларига энага, оқсоч, боғбон, қоровул ва ҳайдовчи кабилар киради. Уй меҳнати бу фуқароларни уй ишларини бажаришга жалб этиш орқали уларни бандлигини таъминлашнинг асосий шакли сифатида қаралади ва бунинг оқибати уй ишчилари меҳнат бозорида иштирок этиш имкониятига эга бўладилар.

Ҳозирги кунда кўплаб давлатлар қонунчилигида уй ишчиларининг меҳнат ҳуқуқларини тартибга солувчи ҳуқуқий механизмларнинг йўқлиги, уларнинг бузилган меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш имкониятидан маҳрум этиб келади. Давлатимизнинг меҳнат қонунчилигида ҳам уй ишчиларининг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган механизм яратилмаган. Бу бўшлиқни тўлдириш мақсадида янги Меҳнат кодекси лойиҳасида уй ишчилари меҳнатини тартибга солишга қаратилган бир нечта моддалар назарда тутилди [1]. Лекин уй ишчиларининг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг халқаро-ҳуқуқий механизмлари анча олдин яратилган.

Уй ишчилари бошқа ходимлардан фарқ қилмасликларига қарамасдан, улар аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож заиф қатлами сифатида қаралади. Сабаби улар асосий меҳнат ҳуқуқларидан маҳрум бўлишларидан ташқари, ижтимоий ва пенсия дастурлари доирасига ҳам киритилмаган. Бундай меҳнат муносабатларини қонунийлаштиришдаги муаммолардан бири иш берувчи сифатида иштирок этаётган жисмоний шахс ижтимоий, пенсия ва тиббиёт соҳаларида расмий суғурталовчи сифатида иштирок этмаётганлиги ҳисобланади.

Уй ишчиларининг ҳафтасига иш вақти муддатлари бошқа ходимларга нисбатан кўплигини кўришимиз мумкин, масалан, Малазияда – 66 соат, Таиландда -58 соат, Индонезияда-52 соат, Саудия Арабистонида – 64 соат. Шу билан бирга, айрим ривожланган мамлакатларда уй ишчилари тўлиқсиз иш вақти асосида ишлайдилар: Австрия ва Норвегияда 15 соат, Испания ва Италияда 26-27 соат [2].

2011 йилда Халқаро Меҳнат Ташкилоти Халқаро меҳнат конференциясида "Уй ишчиларининг муносиб меҳнати тўғрисида"ги 189–сонли Конвенцияси [3] ва айнан шу номли 201-сонли Тавсиясини [4] қабул қилди. Бугунги кунга қадар ушбу Конвенцияни 30 та давлат ратификация қилган, булар орасида Ўзбекистонг Республикаси мавжуд эмас. Ушбу халқаро ҳужжатларнинг қабул қилиниши бу соҳада катта ўзгаришларга сабаб бўлди. Уларнинг ёрдамида кўпчилик мамлакатларда уй ишчиларининг ҳуқуқий мақомини яхшилаш ва иш берувчиларнинг уларга бўлган муносабатини ўзгартиришга олиб келди.

189-сонли Конвенция меҳнат мигрантлари бўлган уй ишчиларини, ўз мамлакатида ишловчи уй ходимларини, шунингдек, болалар ва мажбурий меҳнатни ҳимоя қилишнинг махсус механизмларини назарда тутди.

Конвенцияда "уй иши" ва "уй ишчиси" атамаси таърифи берилган бўлиб, "уй иши" деганда уй хўжалиги ёки уй хўжалиги учун ёки уй хўжаликларида бажариладиган ишни

англатса, “уй ишчиси” - меҳнат муносабатларида уй меҳнати билан шуғулланувчи ҳар қандай шахс ҳисобланади.

Конвенциянинг 4-моддасига биноан, ишга қабул қилишнинг энг кичик ёши давлат қонунчилигида белгиланган ёш чегарасидан паст бўлмаслиги керак, ва агар вояга етмаган бола (18 ёшгача) уй иши билан шуғулланадиган бўлса, бундай ҳолатда иш унинг таълими олишига тўсқинлик қилмаслиги керак.

Конвенциянинг 5-моддасида давлат уй ишчиларини турли таъқиб ва зўравонликдан самарали ҳимоя билан таъминлашга мажбурлиги кўрсатилган. Уй ишчилари иш берувчилар томонидан берилган шартлар асосида ишлайди. Бу тоифадаги ходимлар ўз иш жойини, иш кунининг жадвалини, дам олиш вақтини танлаш имкониятига эга эмас, аксарият ҳолларда иш берувчи ўз уйини ва ўз иш режимини таклиф қилади. Ҳақиқий ҳаётда уй ишидан шахсий мақсадларда фойдаланадиган иш берувчининг иш жойи меҳнат стандартларига мос келадими ёки йўқлигини текшириш қийин. Шунинг учун, 189-сонли Конвенциянинг 6-моддасида ҳар бир аъзо давлат уй ишчилари, умуман бошқа ишчилар каби, адолатли меҳнат шароитлари, шунингдек муносиб меҳнат шароитларига эга бўлишини таъминлаш учун чоралар кўриши ва агар улар уй шароитида яшаса, уларнинг шахсий дахлсизлигини ҳурмат қилган ҳолда муносиб турмуш шароитлари билан таъминлаш чораларини кўришга мажбур.

Конвенция тарафлар ўртасида тузилган ёзма шартномада белгиланиши керак бўлган энг муҳим шартларнинг рўйхатини кўрсатиб берган. Буларга иш тури, иш ҳақи миқдори, тўловнинг даврийлиги, йиллик тўланадиган таътил ва кунлик ёки ҳафталик дам олиш вақтлари, озиқ-овқат ва турар жой билан таъминлаш (агар керак бўлса) ва албатта, ишдан бўшатиш тўғрисидаги огоҳлантириш муддатлари ва ишдан бўшатиш шартлари киради.

Уй ходимлари, айниқса иш вақти ва таътилни тартибга солиш масаласида ҳимояланмаган ҳисобланадилар. Бу муаммо 189-сонли Конвенция билан ҳал қилинган бўлиб, у давлатларни уй ходимларига нормал иш вақти, қўшимча иш вақтининг компенсацияси, кунлик ва ҳафталик дам олиш вақтлари ва йиллик қонуний таътиллар бериш чораларини кўришга мажбур қилади. Баъзи давлатларда уй ишчилари учун иш вақтини аниқ белгилаб беради, лекин амалда уй ходимлари, айниқса ходим иш берувчининг уйида яшаса, одатда ўз хизматларини кечаю-кундуз кўрсатишлари мумкин.

Халқаро Меҳнат Ташкилоти томонидан 2011 йилда қабул қилинган 201-сонли “Уй ишчиларининг муносиб меҳнати тўғрисида”ги тавсияда иш жойида яшовчи уй ходимларининг иш вақтини чеклайди. Тавсия иш вақтининг тегишли соатини белгилашни, иш куни давомида танаффуслар қўйишни, уй хўжаликларида кечаси уй ходимларини ишлатишни ўз ичига оладиган вазиятларни аниқлашни, иш вақтидан ташқари иш жадвалини тузишни талаб қилади.

Ходим учун барча зарур шарт-шароитлардан ташқари, 189-сонли Конвенцияга мувофиқ, кетма -кет камида 24 соат бўлган ҳафталик дам олиш вақтини белгиланиши ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Дунёнинг кўплаб мамлакатларида уй ходимларининг иш ҳақи даражаси масаласи ҳали қонун билан тартибга солинмаган. Уй ходимлари энг кам маош оладиганлар тоифасига киради. 189-сонли Конвенцияга биноан, ҳар бир давлат уй ходимининг белгиланган энг кам иш ҳақи олишини таъминлаш учун зарур чоралар кўриши шарт ва тўловлар жинси бўйича камситилмасдан амалга оширилиши керак. Конвенциянинг 12–моддаси уй ишчиларига мунтазам ҳар ойда бир марта ойлик иш ҳақларини пул кўринишида олишни мустаҳкамлайди. Конвенция қоидалари, шунингдек, ходимнинг розилиги билан иш ҳақини натура шаклида олиш имкониятини истисно қилмайди ва натура тўловлари фақат ходимнинг шахсий фойдаланишига йўналтирилган бўлиши керак.

Жанубий Африкада “Энг кам ойлик иш ҳақи тўғрисида”ги қонуни қабул қилинган. Унга асосан 2019 йил 1 январдан бошлаб уй ходимларининг иш ҳақи ошиши белгиланган. Агар иш берувчи ходимнинг иш ҳақини қонунда белгиланган миқдордан паст баҳолаган бўлса, қонун чиқарувчи иш берувчиларни ходимнинг иш ҳақи миқдорини оширишга мажбур қилади [5].

Ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш масаласи Конвенциянинг 14-моддасида назарда тутилган. Ҳар бир аъзо давлат уй меҳнатининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, миллий қонун ва қоидаларга мувофиқ, уй ишчилари бошқа ходимларникидан кам бўлмаган шарт-шароитларга эга бўлишини, ижтимоий хавфсизлик, оналикни ҳимоя

қилишни таъминлаш учун тегишли чораларни кўришади.

Уй ходимларининг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмларини яратиш билан бир қаторда, уларни суд ҳимоясидан фойдаланиш имкониятини ҳам таъминлаш зарур. Ходим ва иш берувчи ўртасидаги меҳнат ҳуқуқий муносабатларни ёзма тартибда расмийлаштириш, унда ойлик иш ҳақини, иш вақтини, соддалаштирилган тўлов тизимларини, ижтимоий суғурта бадалларини тўлашни белгилашнинг ҳаммаси суд ишларини кўриб чиқишга ёрдам беради ва уй ишчиларининг ҳуқуқлари бузилганлигини исботлашни осонлаштиради. 189-сонли Конвенциянинг 16-моддаси уй ходимларига судлар ва низоларни ҳал қилишнинг бошқа механизмларидан фойдаланиш ҳуқуқини беради.

Аҳолининг ижтимоий ҳимояланмаган гуруҳлари сифатидаги уй ишчиларининг барча ҳуқуқий ҳимоя механизмлари самарали ишлаши учун, ижтимоий шерикчиликнинг қулай ва унумдор муҳитини яратиш зарур. Уй ходимлари ўзларининг иттифоқларини тузишлари, касаба уюшмаларига қўшилиш ва бундай ҳамкорликни йўлга қўйиш учун бирлашиш ҳуқуқига эга бўлишлари керак. 189-сонли Конвенция давлатларни ушбу тоифадаги ишчиларни ҳимоя қилиш даражасини яхшилаш ва кучайтириш мақсадида иш берувчилар ва ходимларнинг вакиллик ташкилотларини тузишга ва улар билан маслаҳатлашишни кўрсатиб ўтади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, уй ишчиларининг меҳнати халқаро даражада тартибга солинган бўлишига қарамасдан, кўплаб давлатлар қонунчилигида бу муносабатлар ҳалигача мустаҳкамланмаган. Бунинг оқибатида уй ишчилари ҳуқуқлари амалда бузилишига сабаб бўлиб келмоқда. Бунинг олдини олиш фақатгина уй ишчилари меҳнат ҳуқуқларини белгилаб берувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши орқали амалга оширилади. Бу борада давлатимизда муносиб сай-ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати*:***

1. Меҳнат кодекси: Уй ишчилари кимлар? https://yuz.uz/news/mehnat-kodeksi-uy-ishchilari-kimlar

2. Domestic workers across the world: Global and regional statistics and the extent of legal protection. - Geneva, ILO, 2013. - С. 57.

3. Конвенция МОТ №189 от 01.06.2011 года “О достойном труде домашних работников”. https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/---ed_norm/---normes/documents/normativeinstrument/wcms_c189_ru.htm

4. Рекомендация МОТ №201 от 01.06.2011 года “О достойном труде домашних работников”. https://www.centrattek.ru/normativnye_dokumenty/ohrana-truda/rekomendaciya-mot-201/

5. Минимальная заработная плата в Южной Африке: зарплаты и уровни заработной платы. https://emigraciya.pro/pereezd/minimalnaya-zarabotnaya-plata-v-yuzhnoy-afrike-zarplaty-i-urovni-zarabotnoy-platy.html

# XOTIRA – YUKSAK INSONIY QADRIYAT

**Sharopova Manzura Hakimovna**
Navoiy viloyati Qiziltepa tumani 12-maktabi
Tarbiya va huquq fani o`qituvchisi
Telefon: +998 91 249 80 82

**Annotasiya:** Xotira va qadrlash – inson aql-zakovatining betakror ma`naviy ne`matlari, tiriklikning azaliy mezonlaridir. Homiylik, saxovat va himmat, mehr va muruvvat fazilatlari xotira va qadr tushunchalari bilan o`zaro uyg`unlik kasb etadi. Ushbu maqola aynan shu xususida.

**Kalit so`zlar:** xotira, qadrlash, ma`naviy, tarbiya, urf-odat, inson qadri.

Xotira va qadrlash tushunchasi chuqur ma`noga egadir. Insoniyat ikkinchi jahon urushida qatnashgan, ayovsiz jang-u jadalda qahramonlarcha halok bo`lganlar xotirasini also unutmaydi. 9-may – “Xotira va qadrlash kuni” mamlakatimizda umumxalq bayrami sifatida keng nishonlanadi. Inson xotira bilan tirik, qadr bilan ulug`. O`tganlarni ularning xayrli ishlarini, jasoratini yodga olmoq, e`zozlamoq xalqimizga xos ezgu fazilatlardandir. Xotira va qadrlash – inson aql-zakovatining betakror ma`naviyn ne`matlari, tiriklikning azaliy mezonlaridir. Homiylik, saxovat va himmat, mehr va muruvvat fazilatlari xotira va qadr tushunchalari bilan o`zaro uyg`unlik kasb etadi. Inson, xalq, millat tarixiy xotira bilan tirik, barhayot. Ayniqsa, o`tganlarning xayrli ishlarini yodga olmoq, qadrlamoq biz uchun farz, ham qarzdir. Shu ma`noda, ikkinchu jahon urushida halok bo`lgan minglab yurtdoshlarimiz xotirasini yod etish va e`zozlash, og`ir jang-u jadallarni boshidan kechirgan.

Bukilmas iroda va jasorat namunasini amalda namoyon etib, o`z hayotini aziz Vatanimizning har tomonlama ravnaq topishi, bugungi tinch va osoyishta kunlar uchun jonini fido qilgan ajdodlarning muqaddas xotirasini rad etib, ezgu ishlarni davom ettirish, safimizda yurgan keksalarni e`zozlash odamiylikning eng oliy mezoni va bizga tinchlik, omonlik kerak, deb yashaydigan bag`rikeng va oliyjanob xalqimizga xos azaliy qadriyatdir.

Har yili 9-may kuni otam bizlarni Mustaqillik va Xotira maydoniga olib borar edilar. Yo`l-yo`lakay gullar sotib olar edik. Ziyorat yakunida o`sha yerdagi kursilardan biriga borib o`tirar edik. Otam sekin tilovat qilardilar va shu yerda nomlari bitilgan va urush yillarda halok bo`lgan askarlar, oddiy odamlar haqqiga duo qilar edilar. Keyin “Biz ko`rdik, sizlar ko`rmang!” deb takrorlardilar. Biz ulardan urushning dahshatlari haqida so`raganimizda otam uzoq-uzoqlarga tikilib qolardilar. Ularning yuzlarida allaqanday qo`rquv bilan bitga nafrat va qayg`u birlashib ketardi. Otam yana “Biz ko`rdik, sizlar ko`rmang!” deb javob berib, “tinchligimiz abadiy bo`lsin, bu kunlarni qadriga yetinglar” deb qo`yardilar.

Insonga har kuni tinchlik-osoyishtalik va xotirjamlik kerak. Yinchligini yo`qotgan xonadon ham, mamlakat ham also xotirjam bo`la olmaydi. Tinchlik-xotirjamlik -taraqqiyot garovidir.

Biz azal-azaldan tinchliksevar xalqmiz. Aynan shu g`oya targ`ibotiga bag`ishlangan buyuk milliy-ma`naviy marosimiz bor. Ularning barida tinchlikning qadriga yetish targ`ib qilinadi, urush esa batamom qoralanadi. 9- may Xotira va qadrlash kuni tarzida umumxalq bayrami sifatida nishonlab kelayotganimiz zamirida ham aynan ana shu ezgu maqsad yotibdi. II jahon urushida O`zbekistonimizdan 1 million 433 ming 230 nafar odam ishtirok etdi. 604 ming 52 nafar hamyurtimiz urush maydonlaridan nogiron bo`lib qaytdi, 450 mingdan ortiq vatandoshimiz esa qonli janglarda halok bo`ldi.

Maydon uzra sokin musiqa sadosi taraladi. Janggohlarda jon bergan vatandoshlarimizning nomlari abadiy muhrlangan “Xotira kitobi”ning zarhal varaqlari Vatanning fidoyi o`g`lonlari qismatidan shahodat beradi.

Inson bor ekan, xotira – muqaddas. Hech kim, hech narsa esdan chiqmaydi. Xalq bugungi tinch-xotirjam zamonni asrab-avaylash, qadriga yetish uchun urushni, uning qahramonlarini g`alabaga munosib hissa qo`shgan har bir qahramonni munosib xotirlaydi. Eng muhimi, yoshlarimiz ong-u shuurida o`tganlarni xotirlash, tiriklarni qadrlashdek insoniy fazilatlar tobora mustahkam muhrlanmoqda. Kechagi kun saboqlarini, xalqimiz kelajagi yo`lida jonini fido qilgan insonlarni xotirlash bugungi va ertangi kunimizni qadrlashga o`rgatadi. Xotira bo`lmas ekan, qadrlash ham yo`q. ushbu tushunchalar mustaqillik davri avlodi uchun o`ziga xos ma`naviy qadriyatga aylandi. Yurtboshimiz aytganlaridek, buyuk g`alabani buyuk jasoratli insonlar ta`minlagan va biz

minnatdor avlodlar bu fidoyi yurtdoshlarimizni doimo ulug`laymiz, ularning beqiyos matonati va xotirasi oldida hurmat bialn bosh egamiz.

**Foydalaniladigan adabiyotlar:**

1. Z. Zamonov. O. Maxmudov. Tarbiya. 8-sinf darsligi. Toshkent, 2020-yil.
2. Internet ma`lumotlari

# ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ УСТИДАН ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИНИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

**Юсупов Сардорбек Баҳодирович,**
Тошкент давлат юридик университети
"Маъмурий ва молия ҳуқуқи" кафедраси
мудири, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)
E-mail: s.yusupov020@gmail.com

Давлат бюджети устидан парламент назоратига оид муносабатлар конституция даражасида тартибга солинадиган соҳа ҳисобланади.

Хорижий мамлакатларда давлат бюджети устидан парламент назоратинининг конституциявий асосларини юзага келиши узоқ тарихий босқични босиб ўтган ва кўплаб ёндошувлар асосида ривожланган. Мисол учун, Буюк Британияда давлат бюджети устидан парламент назоратига оид муносабатларни келиб чиқиши, дастлаб бюджет устидан жамоатчилик назорати кўринишида юзага келди. Бу қараш "Дисей тизими" деб номланган. Бошқа конституциявий ҳуқуқшунослардан фарқли равишда Дисей парламентга давлат молияси устидан тўлиқ назоратни амалга ошириш тизими бўйича дастлабки қарашларини илгари суради. Дисейнинг муҳим ютуқларидан бири парламентнинг молиявий назорати тизимига "парламентнинг мустақиллиги" ва "ҳуқуқ устуворлиги" принципларини сингдириши бўлди[1].

Дунё бўйича Конституциявий ҳуқуқ жиҳатдан илмий мунозаралар кенг бўлсада, лекин давлат молияси ва парламент назорати доирасидаги мунозаралар жуда кам. Замонавий конституциявий режимларда ҳуқуқ устуворлигини амалга оширишда асосий эътибор суд назоратига қаратилади. Парламент суверенитети ҳақидаги мунозаралар парламентнинг қонуний суверенитети, суд ва прокуратура функциялари ўртасидаги муносабатларга қаратилади. Бу мунозарада парламент ва ижро этувчи ҳокимият ўртасида қандай молиявий ёки бошқа муносабатлар бўлишига қисман урғу берилган[2].

Т.Проссернинг тадқиқот ишларида "иқтисодий конституция"даги молиявий позицияни "академик интизом ва амалий сиёсат субъекти сифатида тартибга солиш" концепцияси орқали таҳлил қилиб, халқ назоратини қабул қилиш ва сарфлашнинг асосий конституциявий принципи сифатида парламент назоратини қабул қилди[3].

Парламент актига кўра, қонун устуворлиги ва парламент суверенитети ҳақидаги ўз инглиз тили конституциясини амалга оширишнинг намунасидир.Уейд ва Филипп "харажатлар ва солиққа тортишнинг парламент назорати" орқали ўз молиявий таҳлилларини туздилар. Женнингснинг жамоатчилик молия билан шуғулланиши, асосан, ҳукуматнинг қонун чиқарувчи ва маъмурий жиҳатларига қаратилган эди, лекин у ҳали ҳам "жамоатчилик томонидан амалга ошириладиган молиявий назоратни" асосий конституциявий тамойил сифатида тушунди. Шундай қилиб, Женнингс Дисейнинг жамоатчилик молиясини конституциявий моделлаштиришда давом этди.

Давлат бюджети устидан парламент назоратига оид муносабатдаги муҳим масалалардан бири мазкур тартибот конституцияда қай даражада тартибга солиниши билан боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколатлари сифатида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини назорат этиш деб белгилаб берилган. Демак, мамлакатимиз асосий қонунида давлат бюджети устидан парламент назоратини олиб бориш тўғридан-тўғри белгилаб ўтилган. Лекин, давлат бюджети устидан парламент назоратини амалга оширишнинг тартиботи асосий қонунда мустаҳкамланмаган.

[1] Bateman, W. (2020). Failure of Parliamentary Control. In Public Finance and Parliamentary Constitutionalism (pp. 199-226) P.3-4

[2] C.J. S.Knight. Bi-Polar Sovereignty Restated. The Cambridge Law Journal Vol. 68, No.2 (Jul.,2009) , pp.361-387.

[3] T.Prosser. The Economic Constitution. Oxford: Oxford University Press, 2014. P.17-18

Германия Федератив Республикасининг Асосий Қонуни мустақил «Молия» бўлимига эга, у бюджетни шакллантириш ва қабул қилишнинг асосий масалаларини тартибга солади. Мазкур бўлим 11 моддадан иборат. Асосий Қонуннинг 114-моддасига кўра, бюджет ижроси устидан энг юқори назоратни Германия Конституциясининг 114-моддасига мувофиқ, бюджетни бошқаришнинг рентабеллиги ва тўғрилиги тўғрисида ўз хулосаларини парламент палаталарига ва Федерал палаталарга тақдим этишга мажбур бўлган Федерал аудит идораси амалга оширади. Федерал молия вазири парламент палаталарига ҳукуматнинг барча даромадлари ва харажатлари, давлат қарзлари тўғрисида ҳисобот тақдим этиши шарт[1]. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Германия Федератив Республикасининг бюджет қонунчилиги назоратнинг бюджет жараёнини унинг барча босқичларида ташкил этиш билан узвий боғлиқлигига қаратилган. Бунга, биринчи навбатда, бюджет жараёнининг турли босқичларида ҳокимиятнинг барча тармоқлари давлат органларининг ваколатлари, ҳуқуқлари ва мажбуриятларини мувозанатли тақсимлаш орқали эришилган. Бу орқали умумий мақсадлар учун доимий ўзаро алоқани таъминлайди.

Бундестаг давлат бюджетининг ижроси сифатини доимий назорат қилиб туради ва бюджет харажатларининг кўпайишига олиб келиши мумкин бўлган мажбуриятлар учун жавобгарликни ўз зиммасига олади. Бундай бюджет қонунчилиги асосан қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги зиддиятли вазиятларни бартараф этишга ёрдам беради[2].

Япония Конституциясининг 7-бўлими молияга бағишланган бўлиб, 8 моддани ўз ичига олади. Конституцияга кўра, ҳукумат ҳар бир молиявий йил учун бюджетни тайёрлаб, уни кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш учун парламентга киритади. Бюджетда кутилмаган камчиликларни таъминлаш мақсадида парламент томонидан захира фондига рухсат берилиши мумкин. Захира жамғармасидан тўланадиган барча тўловлар парламент томонидан тасдиқлаши керак[3].

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, ҳар бир давлат ўзининг тарихий ривожланиш хусусиятларидан келиб чиқиб, давлат бюджети устидан парламент назоратини ҳуқуқий тартибга солиш масаласини ҳал қилган. Бу борада асосий қонунлар муҳим ўрин тутган.

1 https://www.gesetze-im-internet.de/englisch_gg/englisch_gg.html#p0579

2 Бюджетный процесс в зарубежных государствах, С.121

3 https://japan.kantei.go.jp/constitution_and_government_of_japan/constitution_e.html

# КОНСТИТУЦИЯВИЙ - ҲУҚУҚИЙ ҚАДРИЯТЛАР

**Дилобар Рахманова**
Тошкент шаҳар юридик техникуми
Ёшлар билаш ишлаш бўлими бошлиғи
Телефон:+998(97)7736324
1973.dilobar@gmail/com

**Аннотация:** Конституция мамлакатда кенг қамровли иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий ислоҳотларни амалга оширишнинг, тамомила янги қонунчилик тизимини вужудга келтиришнинг зарварли замини сифатида гавдаланмоқда. Асосий қонунимизнинг мукаммал, замон билан ҳамнафас, энг эзгу миллий ва умуминсоний ғояларни ўзида ифода этган мўътабар қонундир.

**Калит сўзлар** : Конституция, қонун, Ватанимиз тараққиёт, ҳуқуқий қадрият, маънавий қадрият, истиқлол, умуминсоний ғоялар, ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият.

Мустақилликка эришган ҳар бир халқ ўз тараққиёт йўлини излайди, янги жамият ва давлат бунёд этишда ўз андазасини ишлаб чиқишга ҳаракат қилади. Ўзбекистон ўзининг истиқлол ва тараққиёт йўлини танлаб олди, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодига ўтиш режасини ишлаб чиқди.

Конституциямиз умуминсоний ғоялар - тенглик, эркинлик, биродарлик, халқлар ва миллатлараро дўстлик, мамлакат ва дунё барқарорлиги каби энг улуғ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мамлакатимизда замонавий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишнинг қонуний асоси, диёримиздаги тинчлик ва осойишталик, фуқаролар ва миллатлараро ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, юртимизнинг ривожланган давлатлар қаторига кириши, халқимиз фаровонлигини янада оширишнинг ҳуқуқий кафолати бўлиб келмоқда.

Мустақиллик шароитида қўлга киритилган энг катта ютуғимиз шундаки, аввало, халқимизнинг миллий, тарихий қадриятлари тикланди ҳамда ўз табиятимизни ифода этувчи янги замонавий демократик қадриятларимиз тизими шаклланмоқда. Маълумки, ҳар қандай жамиятнинг моҳияти, мазмуни ундат қарор топган ҳамда халқнинг турмушидан мустаҳкам ўрин олган ижтимоий-сиёсий маънавий-ахлоқий ва ҳуқуқий қадриятлар тизими билан белгиланади.

Шу кунларда Асосий Қонунимиз қабул қилинганининг йигирма тўққиз йиллигини сиёсий-ижтимоий, ҳуқуқий ва маънавий ҳаётимизда ёрқин из қолдирадиган, юртдошларимиз, айниқса, ёш авлодимизни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ғоя руҳида тарбиялашга хизмат қиладиган тарихий сана сифатида кенг нишонлашга қаратилган маънавий-маърифий ва ҳуқуқий тарғибот тадбирлари бошлаб юборилди. Бу тадбирларда Ўзбекистонда истиқлол йилларида босқичма-босқич амалга оширилаётган ҳаётбахш ислоҳотлар ҳамда конституциявий жараёнларни, Ватанимиз тараққиётининг тарихий шарт-шароитлари, ҳозирги саодатли кунлар ва ёруғ истиқболимизни, халқимизнинг бунёдкорлик руҳи, улкан салоҳиятини чуқур таҳлил ва тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ҳуқуқнинг қадр-қиммати унинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари мезонини белгилашда, ижтимоий адолатни таъминлашнинг самарали воситаси сифатида майдонга чиқишда, фуқароларнинг, бутун жамиятнинг илғор ижобий талаб-этиёжларини ва манфаатларини қондиришга хизмат қилишида намоён бўлади.

Ўзбекистон Конституцияси олий даражадаги қонун сифатида давлатимизнинг қиёфасини, унинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий тузумини, бошқарувнинг демократик принциплари, жамият ривожланишининг стратегик йўналишларини, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланганлигини, маънавий қадриятларимиз асосларини мустаҳкамлаб беради.

Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг замонавий тараққиёти конституциявий тузимнинг барқарорлигига асосланади. Конституциямизни эъзозлаш, унинг қоида, қадрият ва талабларига риоя этиш, уни қаътий мухофаза қилиш мамлакатимиз ҳар бир фуқаросининг муқаддас бурчи бўлмоғи лозим. Конституцияга ихтиёрий амал қилар эканмиз, демак, биз жамиятимиз ва давлатимиз равнақига, унинг фаровон истиқболига, Ўзбекистон келгусида

буюк давлат бўлишига, юртимизда адолатли, инсонпарвар баркамол жамият барпо этилишига хизмат қилган бўламиз.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси,08.12.1992;
2. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси.
3. "Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш" концепцияси. Ўзбекистон Республикаси президентининг 2019 йил 9 январдаги ПФ-5618 сон фармонига 1-илова.
4. Х.Т.Одилқориев, Ш.У.Якубов. Миллий ҳуқуқий тизим ва ҳуқуқий қадриятлар -Тошкент-2010.
5. Интернет сайдлар:www.LEX.UZ.

# ЭРНИНГ (ХОТИННИНГ) УМУМИЙ КЎЧМАС МОЛ-МУЛКИНИ ТАСАРРУФ ЭТИШГА РОЗИЛИГИ: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ

**Юсупова Ойша Матназаровна,**
ТДЮУ таянч докторанти
Телефон:+974001945
yuoysha.1990@gmail.com

**Аннотация:** эр (хотин) ўзининг номига расмийлаштирган умумий кўчмас мол-мулкни тасарруф этиш бўйича битим тузиши учун хотини (эри)нинг нотариал тартибда тасдиқланган розилигини олиши лозим. Мазкур мақолада умумий кўчмас мол-мулкни тасарруф этиш учун эр (хотин)нинг нотариал тартибда тасдиқланган розилиги, бу борада назария ва ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги муаммолар ҳамда уларнинг ечимлари ҳақида сўз боради.

**Калит сўзлар:** эр-хотин, розилик, бир томонлама битим, эр (хотин)нинг умумий мол-мулки, кўчмас мол-мулк.

Эр-хотиннинг умумий мулки ҳисобланган кўчмас мулкни тасарруф этиш тўғрисида битим тузилганда мулк номида бўлмаган эр (хотин)дан олинадиган “розилик” нинг ҳуқуқий табиати бугунги кунга қадар кўплаб ҳуқуқшунослар томонидан тадқиқ қилинган ва баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда. Унинг ҳуқуқий табиати тўғрисида ягона тўхтам мавжуд эмас. Ҳуқуқшуносларнинг фикрича бундай розилик ўзининг ҳуқуқий табиатига кўра қуйидагиларни англатади:

- Бир томонлама битим;
- Бу асосий шартномага нисбатан акцессор (қўшимча) мажбурият;
- Юридик факт;
- Юридик акт;
- Мураккаб юридик таркибнинг муҳим элементи;
- Нотариал ҳаракат.
- Нотариал тасдиқланган ҳужжат.

Эр (хотин)нинг биргаликдаги умумий мулкини тасарруф этишга берадиган розилиги нотариал амалиётда ариза кўринишида расмийлаштирилади ва шаҳодатлантирилади. Нотариат тўғрисидаги қонунга асосан бундай ариза алоҳида нотариал ҳаракат сифатида ажратиб кўрсатилмаган ва нотариал ҳаракатларни рўйҳатга олиш реестрида аризада имзо шаҳодатлаш деган нотариал ҳаракат сифатида қайд этиб келинади. Аммо, ҳужжатларда имзонинг ҳақиқийлиги шаҳодатлантирилганда қонунга мувофиқ (67-модда) нотариус томонидан унда ифодаланган фактлар эмас, балки фақат имзонинг ўша шахс томонидан қўйилганлиги факти тасдиқланади. Айрим нотариуслар томонидан эр (хотин)нинг юқорида кўрсатилган мазмундаги розилик аризаларининг тасдиқлов ёзувида “Нотариат тўғрисида”ги қонуннинг 67-моддасига ҳавола қилинади. Бу билан улар келиб чиқиши мумкин бўлган низоли ҳолатлардан ўзини ҳимоя қилишни кўзлайди. Бироқ бундай тарзда ўз зиммасидан масъулиятни соқит қилиш нотўғри ва қонунга зиддир. Фикримизни асослайдиган бўлсак, биринчидан, ушбу нотариал тартибда тасдиқланган розилик аризаси исботлаш аҳамиятига эга бўлган ҳужжат ҳисобланади. Агар бунда розилик олинмасдан эр-хотинга тегишли бўлган кўчмас мулк тасарруф этиладиган бўлса, бундай битимнинг низоли битимига айланиши ва розилиги олинмаган хотин (эр)нинг даъвосига кўра суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилишига олиб келиши мумкин. Эр-хотиннинг нотариал тартибда тасдиқланган розилик аризасини тасдиқлаганда нотариус унинг мазмунида баён этилган юридик фактни ҳам тасдиқлайди. Муаллифнинг фикрича, эр (хотин)нинг умумий мол-мулкини тасарруф этиш тўғрисидаги нотариал тартибда тасдиқланган розилиги қуйидаги хусусиятларига кўра бир тарафлама битим сифатида намоён бўлади:

***Биринчидан,*** уни расмийлаштиришда розилик бераётган тараф – эр ( хотин)нинг хоҳиши зарур ва етарли ҳисобланади;

***Иккинчидан,*** битим сифатида эътироф этиш учун ЎР ФКнинг 101-моддасида мустаҳкамланган хусусиятларга эга бўлиши керак. Яъни, фуқаролар ва юридик шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган ҳаракати сифатида намоён бўлиши лозим. Эр (хотин)нинг умумий мол-мулкни тасарруф

этиш хусусидаги розилиги юридик ҳаракат бўлиб, бундай розилик орқали эр (хотин) хотинига (эрига) ўзларига биргаликдаги умумий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган мол-мулкни ўзи мустақил тасарруф этишига ҳуқуқ беради. Бундан ташқари у бундай розилик бераётганда ўз зиммасига мажбурият ҳам олади. Яъни, келгусида ушбу мол-мулкка даъво қилишдан ўзини тийиб туришга ваъда беради. Эр (хотин)нинг умумий мулкини тасарруф этиш тўғрисидаги розилиги ушбу хусусиятлари билан ЎР ФКнинг 101-моддасида мустаҳкамланган битимга хос бўлган юридик элементларни ўзида акс эттиради.

***Учинчидан,*** нотариуслар бундай мазмундаги розилик аризаларини нотариал тартибда тасдиқлаганда уни бераётган эр (хотин)га ЎР ОКнинг 23-24-моддаларининг мазмунини ва амалга оширилаётган нотариал ҳаракат қандай юридик оқибатларни келтириб чиқаришини тушунтириши шарт. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган "Нотариат тўғрисида"ги қонунига асосан нотариусга битимлар тасдиқлаб берилаётганида уларда иштирок этаётган фуқароларнинг шахсини аниқлаш билан бирга уларнинг муомала лаёқатини ҳам белгиланган тартибда текшириш мажбурияти юклатилган (32-, 33-моддаси). Эр ва хотиннинг умумий мол-мулкини тасарруф этишга розилик аризасининг тасдиқлов ёзувида ҳам уни берган шахс (эр ёки хотин)нинг муомала лаёқати текширилгани ҳақидаги ёзув киритилади. Демак, нотариат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида мазкур розиликни расмийлаштириш учун битимларни тасдиқлашга оид талаблар ўрнатилганидан келиб чиқиб ҳам уни битим сифатида баҳолаш мумкин.

Юқоридаги фикрларга асосланиб, хулоса қиладиган бўлсак розилик нотариат тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида алоҳида мустақил нотариал ҳаракат сифатида мустаҳкамлаб қўйилиши лозим. Қозоғистон[1], Белорусия[2] каби давлатларнинг нотариат тўғрисидаги қонунчилигида розилик битимларни тасдиқлашга оид қоидалар бобида келтирилган бўлиб, алохида нотариал ҳаракат (бир томонлама битим) сифатида расмийлаштирилади. Россия Федерацияси Фуқаролик кодексида битим тузиш учун розилик алоҳида 157-1-модда билан мустаҳкамлаб қўйилган. Франция фуқаролик кодексининг 217-моддасида: "агар розилиги талаб қилинаётган эр (хотин) ўз эрк-иродасини ифода этишга қодир бўлмаса ёки унинг бундай розилик беришдан бош тортиши оила манфаатларига зид келса, суд томонидан иккинчисининг розилигисиз ҳам якка тартибда хотин (эр)га битим тузишга рухсат берилиши мумкин"лиги ҳақида норма мавжуд. Ҳаётда эр ва хотиндан бирининг оғир касаллик билан курашиши натижасида (масалан, кома ҳолатида ҳушсиз ётиши, онкологик кассалликларнинг охирги босқичларида юзага келган жисмоний ва руҳий стресслар таъсирида бўлиши) ёки узоқ муддат давомида турган жойи тўғрисида маълумотларнинг йўқлиги туфайли умумий биргаликдаги мол-мулк ҳисобланган кўчмас мулкни тасарруф этишга розилик олиш имконияти бўлмайдиган ҳолатлар учраб туради. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексида эр (хотин)нинг розилиги талаб қилинадиган битимларни тузишда уни олиш имконсиз бўлган ҳолатларда битимни тузиш механизми белгиланмаган. Юқоридаги илғор мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 24-моддасини қуйидаги янги норма билан тўлдириш таклиф қилинади: "Эр-хотиндан бирининг розилиги талаб қилинадиган битим улардан бирининг турган жойи номаълум бўлганлиги сабабли бедарак йўқолганда, узоқ давом этган (оғир) касалликка чалиниши оқибатида онгли равишда қарор қабул қилишга қодир бўлмаганида суд қарорига асосан бундай розилик олинмасдан тузилиши мумкин".

**Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси.1998 йил 30 апрель. Манба: www.lex.uz
2. Ўзбекистон Республикасининг Нотариат тўғрисидаги қонуни. 1996 йил 26 декабрь.
3. Қозоғистон Республикасининг "Нотариат тўғрисида"ги қонуни. 14.07.1997. № 155-I. (https://online.zakon.kz/)
4. Беларус Республикаси Нотариат ва нотариал фаолият тўғрисидаги қонуни. 305-З. 18.07.2004.73-модда. https://kodeksyby.com/zakon_rb_o_notariate_i_notarialnoj_deyatelnosti/73.htm

[1] Қозоғистон Республикасининг "Нотариат тўғрисида"ги қонуни. 14.07.1997. № 155-I. (https://online.zakon.kz/)

[2] Беларус Республикаси Нотариат ва нотариал фаолият тўғрисидаги қонуни. 305-З. 18.07.2004.73-модда. https://kodeksyby.com/zakon_rb_o_notariate_i_notarialnoj_deyatelnosti/73.htm

# “ЎЗБЕКИСТОН ОЛИМЛАРИ ВА ЁШЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАРИ”

**(1-қисм)**

**Масъул муҳаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович
**Мусаҳҳиҳ:** Файзиев Фаррух Фармонович
**Саҳифаловчи:** Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 31.12.2021

**Контакт редакций научных журналов.** tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz**
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000